

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

22 декабрь –

Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси ва маҳаллий
Кенгашларга сайловлар куни

ЯНГИ КОДЕКС СИЁСИЙ ЖАРАЁНГА ЯНГИЧА РУҲ БАҒИШЛАЙДИ

Мамлакатимиз айни пайтда жуда катта сиёсий жараён ара-
фасида. Шу йилнинг 22 декабрь санасида Олий Мажлис Қонун-
чилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сай-
ловлар аввалги сайловлардан тубдан фарқ қилиши кутилмоқ-
да. Халқимизнинг сиёсий онги ва маданияти жамиятда кеча-
ётган янгиликни ва ўзгаришларга монанд ўсиб бораётгани,
жамиятда очиқлик таъминланаётгани бунда мустақкам асос
бўлмоқда.



Кодексда илгари сурилган
муҳим тамойиллардан яна бири
шуки, аввалги қонунларда фақат
Марказий сайлов комиссияси
фаолиятининг ҳуқуқий асослари
мустақамланган бўлса, эндилик-
да барча сайлов комиссиялари
ва уларнинг аъзолари ўз фаолият-
тини ҳар қандай давлат орган-
ларидан, жамоат бирлашма-
ларидан ва мансабдор шахслар-
дан мустақил ҳолда амалга оши-
риши белгиланган бўлди.

Сайлов комиссияларининг
фаолиятига аралашушга йўл
қўйилмаслиги ва бундай арала-
шуш қонунга мувофиқ жавобгар-
ликка сабаб бўлиши ҳам кодекс-
дан ўрин олган. Сайлов комис-
сиялари номзодларга, сиёсий
партияларга сайлов кампанияси-
ни ўтказиш учун тенг шарт-ша-
роитларни таъминлайди. Сай-
ловга тайёргарлик кўриш ҳамда
уни ўтказиш учун ажратилган
бюджет маблағларининг адолат-
ли тақсимланишини, овоз бериш-
нинг ва сайлов яқунларини чиқар-
ишнинг ҳалол бўлишини таъ-
минлаш юзасидан зарур чоралар
кўради.

Анжуманда, шунингдек, сай-
ловлар жараёнида халқро куза-
тувчилар ва хорижий оммавий
ахборот воситалари иштироки-
нинг ўзига хос жиҳатлари, куза-
тувчилик мақомининг қонуний
асослари хусусида Жаҳон иқти-
содиёти ва дипломатия универ-
ситети доценти А. Йўлдошевнинг
фикрлари катта қизиқиш билан
тингланди.

Шунингдек, сайлов комиссия-
лари, округлар ва участкалар
тузилиши, аъзолар таркибини
шакллантириш, бу борада
кодексда назарда тутилган та-
момиллашнинг асослари ҳақида
борасида зарур тавсиялар
ўртага ташланиб, фикр ва муло-
ҳазалар алмашилди.


Ўз мухбиримиз



Суннат САПАРАЛИЕВ олган сурат

ИМКОНЯТ

Юртимизда
ишлаб чиқа-
рилган замо-
навий авто-
уловни бошқа-
раётган ҳайдов-
чи ўз машинаси-
ни сифатли хиз-
мат кўрсатувчи ус-
тахонада, яъни за-
монавий сервис
марказида кўрик-
дан ўтказишни ёки
таъмирлатишни ис-
тайди.



Янгийўллик тадбиркор Шерзод
Абдурашидов ёшлигидан шахарда
ана шундай талабларга жавоб бе-
радиган замонавий хизмат кўрса-
тиш мажмуасини ишга туширишни
режа қилиб юрар эди. Жорий йил-

да бу ниятини амалга оширди. Бу-
гунги кунда у раҳбарлик қилаётган
"Абдурашид фэйз" масъулияти чек-
ланган жамияти қошида ташкил
этилган автомобилларга хизмат
кўрсатиш марказида машиналарни

ТАДБИРКОРНИНГ ЎЗГУ НИЯТИ



тўлиқ диагностикадан ўтказиш ва
таъмирлаш имконияти мавжуд.
– Республикада тадбиркор-
лар учун яратиб берилаётган им-
кониятлардан фойдаланиб, шахсий
бизнесимни йўлга қўйдим, – дей-



ди тадбиркор. – Устахонамиз-
да мижозларга сифатли ва
тезкор хизмат кўрсатиш учун
барча шароитлар яратилган.
Энг асосий эътибор устахона-
га олиб кирилган автомобил-
ларни ҳар томонлама соз
ҳолда чиқиб кетишига қара-
тилган. Шу мақсадда бу ерда
ташкिलий-техник ишларни
юқори савияда ташкил этишга
ҳаракат қиламиз. Бу ишга тажри-
бали уста ва мутахассислар жалб
этилган.

Давоми 2-бетда

Мансур ХИММАТОВ олган суратлар

«ЁШЛАР МАРКАЗИ» ИСТЕЪДОДЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙДИ



Яқинда Қибрай туманидаги 4-умумтаъ-
лим мактабида «Ёшлар маркази» фойда-
ланишга топширилди.

Беш ташаббус амалда

ри учун яратилган шаро-
итларни кўриб кўзимиз
қувнади, – дейди Ёшлар
иттифоқи туман кенгаши
раиси ўринбосари Зарни-
гор Мирхайитова. – Замо-
навий мебеллар, интернет
ва бошқа техника жиҳоз-
лари билан таъминланган,
эътибор ҳам аъло дара-
жада. Муболаға эмас, маз-

буси асосидаги ишлар-
нинг амалий натижаси-
дир, – дейди мактаб ди-
ректори Дилфуза Раҳимо-
ва. – Маълумки, респуб-
ликада аҳолисининг қа-
рийб 60 фоизини ёшлар
ташкил этади. Бу Ўзбекис-
тон тараққиётини мутлақо
янги даражага олиб чи-
қишга қодир улкан ижо-



"Фактор-глобал – биз-
нес" масъулияти чек-
ланган жамияти ку-
рувчилари томонидан на-
фақат ўқув биноси, балки
мактаб ҳовлисининг ташқи
ўрама деворлари, обо-
донлаштириш ишлари юз
фоиз яқунланди.

Яқинда мактаб ҳовлиси-



да қурилган яна бир ажо-
йиб бино – "Ёшлар мар-
кази"нинг очилиш маро-
сими бўлиб ўтди. Тадбир
доирасида Ёшлар итти-
фоқи туман кенгаши та-
шаббуси билан "Туман
сардорлари форуми" ҳам
ташкил этилди.

– Мактаб ўқувчи-ёшла-



кур "Ёшлар маркази"дек
имконият ва шароит ҳали
туманимизнинг бошқа мак-
табларида мавжуд эмас.
– Бу – давлатимиз раҳ-
барининг ижтимоий, маъ-
навий-маърифий соҳалар-
даги ишларни янги тизим
асосида йўлга қўйиш
бўйича 5 та муҳим ташаб-



бий ва интеллектуал сало-
ҳиятидир. Ёшларимизнинг
бўш вақтлари самарадор-
лигини ошириш ва эркин
фикрловчи йигит-қиз-
ларни қўллаб-қувватлаш
эса бизнинг вазифамиз.
Юлдузхон МУҲИДИНОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири

Яхши хабар

Пискент тумани-
да хитойлик инвес-
торлар томонидан
йирик технопарк
қурилиш режа-
лаштирилмоқда.
Бу ҳақда вилоят
ҳокимлиги ахбо-
рот хизмати маъ-
лум қилди.

ПИСКЕНТДА ЙИРИК ТЕХНОПАРК ҚУРИЛАДИ

Қайд этилишича, Пис-
кент тумани ҳокими Шўх-
рат Аҳмедов хитойлик
инвесторлар билан учра-
шиб, туманда электро-
техника воситалари иш-
лаб чиқаришга ихтисос-
лашган йирик технопарк
қурилиши масаласини
муҳокама қилди.

Учрашувда тумanning
инвестицион салоҳияти,
бу ерда яқин келажақда
амалга оширилаётган
ишлар кўлами ҳақида
маълумот берилди. Ўз
навбатида, нуфузли Хи-
той компаниясининг ди-
ректорлар кенгаши раи-
си Юэ Хэфу истиқболда-
ги бизнес лойиҳалари
ҳақидаги фикрлари бил-
ан ўртоқлашди.

Шундан сўнг хитойлик
тадбиркорлар истиқбол-
ли лойиҳа учун зарур ер
майдонини бориб кўрди.
Туман ҳокимлиги томо-
нидан инвесторларга
транспорт ва инфра-
структураси нисбатан
яхши ривожланган 3 та
худуддан ер майдони
кўрсатилди.

Маълумотларга кўра,
150 миллион доллар қий-
матидаги ушбу инвести-
цион лойиҳа амалга
ошса, қарийб 2 мингта
янги иш ўрни яратилади.

ПАХТАКОР БОЙ БЎЛАДИГАН КУНЛАР КЕЛДИ

Бўқа туманидаги "Озод Рустам" фер-
мер хўжалиги деҳқонлари вилоятда би-
ринчилардан бўлиб пахта теримини
бошлади. Мавжуд 100 гектар ернинг
40 гектарида гўза парваришлаган аза-
матлар жорий йилда ҳам ҳосилдорлик-
ни 40 центнердан оширишмоқчи.

– Асосан "Султон" эртапишар нав-
дан эканмиз, – дейди фермер хўжа-
лиги раҳбари Равшан Уккисбоев. –
Мазкур нав бизнинг иқлим ва ер-ту-
роқ шароитимизга жуда мос келади.
Пахта толаси сифати бўйича тўқма-
чилик қорхоналарида ва жаҳон бозо-
рида юксак баҳоланади.

– Хар йили шу фермер хўжалигига
пахта теришда ердан берамиз, – дей-

ди теримчи Хўжам Махатов. – Бу мав-
сум ҳам жамоамиз билан ҳосилни йи-
ғиб олишда ғайрат кўрсатаёلمиз.
Пахта жуда етилган, кунига 100 кило-
га етказиб тераёлмоқчи. Бу билан ҳам
деҳқонларга камарбаста бўлаяпмиз,
ҳам қўшимча даромад топаёпмиз.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири



Мансур ХИММАТОВ олган суратлар

Хирмонга барака!

НУРОНИЙЛАР ҲИММАТИ

Қуйичирчиқ тумани, "Хўжа" маҳалласида
нуронийлари маслаҳатни бир жойга қўйиб,
пахта теримига чиқишди.

Ёшларга ибрат бўлаётган отахонлар тумандаги "ТСТ-
агро кластер" МЧЖга қарашли Комил Саидазимов
бригадаси далаларида пахта термоқдалар. Саидазим
Аббосов, Ақром Абдуқаюмов, Йўлдош Зилолов, Ҳам-
рали Сайдалиев, Соқо Алимов, Саидқамол Хайдаров,
Сайдулла Сайфуллаев, Ҳабибулла Раҳимов каби ота-
хонлар биринчи кунданок 40-50 кгдан пахта териб,
кўпчиликини хайрон қолдиришди.

Нуроний теримчилар учун дала бошида қулайлик-
лар яратилган. Пахтанинг ҳар бир килограммига 1000
сўмдан ҳақ тўланмоқда. Тушликда эса иссиқ овқат
ташкил этилмоқда.

Муҳаммадсалим АЛИАСҚАРОВ,
"Нуроний" жамғармаси фаоли

Янгийул шахрида газ ва электр энергияси таъминотидаги маълум муддатли узилишлар аҳоли эътирозига сабаб бўлиш билан бирга, ижтимоий тармоқларда ҳам кенг муҳокама қилинди.

Мавсум

Жумладан, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ҳокимият вакиллари шаҳарда куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёни сабаб юзага келётган бу каби узилишлар тўғрисида аҳолини хабардор қилмаётганини билдирди.

Ушбу ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида Янгийул шахрида бўлиб, мутасадди раҳбарлар ва аҳоли вакиллари билан суҳбатлашди.



насоси реконструкция қилинган. Бу борада аҳолини қийнаб келатган 500 дан ортиқ носозликлар бартараф этилган. 4,7 километр канализация тармоғи тортилиб,

ноти бойлери таъмирланган.

– 9 сентябрь куни эртадан 12 сентябрь кечки носозликлар бартараф этилган. 4,7 километр канализация тармоғи тортилиб, деди шахар ҳокими. – Ушбу

кувурлари, шунингдек, 132 та газ тақсимлаш мосламаси мавжуд. Жорий йилнинг 5 августидан 8 августигача ҳамда 9 сентябрдан 12 сентябрь кунига қадар икки марта мазкур қувурлар мавсум олди синовдан ўтказилиб, синов муддати мобайнида газ таъминоти вақтинча тўхтатилган.

– Ижтимоий тармоқлардаги газ ва электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муҳокамаларни ўқиб билдимки, ҳали ишимизда камчиликлар бор, – деди ҳоким. – Демак, улар қандайдир бир сабаб туфайли газ таъминотидаги узилишлар хабарсиз қолган. Мухими, бу ҳолат биз учун сабоқ бўлди ва

қилади. Худудда 6 та трансформатор мавжуд, 2 таси янги ўрнатилган. Қолган трансформаторлар ҳам соҳа ҳолатда.

– Муаммо ер ости кабелларида, – деди шахар электр тармоқлари қорхонаси раҳбари Саид Бобоев. – Ушбу кабеллар ётқизилганга ярим асрдан ошяпти. Жумладан, "Мустақиллик" маҳалласи худудидан ўтувчи 1 минг 150 метр узунликдаги ер ости кабелли 1968 йилда қўйилган. Эски кабелларда туташув бўлиши, оқибатда электр таъминотида узилиш кузатилиши табиий, албатта. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида сўнгги 10-15 йил мобайнида қарийб 8 километр ер ости кабелли илк бор жорий йил янгиланди. Шу кунларда яна 1 минг 150 метр кабель олиб келди. Маҳалладаги кабеллар тўлиқ янгиланади.

12 та умумий ўрта таълим мактабининг 8 тасида 25,4 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Мактабга таълим соҳасида олиб борилган бунёдкорлик ишлари натижада шаҳарда болаларнинг боғчага қамрови 90 фоизга етди.

Шаҳарнинг марказий ва 28 та ички кўчасининг 19,1 километр қисмига асфальт ётқизилиб, қарийб 6 километр узунликдаги пиёдалар йўлаклари таъмирланди. Кўчаларга 130 дан ортиқ ёритиш мосламалари ўрнатилди.

Мухтасар айтганда, шаҳарда аҳоли учун қулай турмуш шароити яратиш, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлаш борасида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Биргина сўнгги 3-4 ой мобайнида 110 дан зиёд объектда қарийб 335 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилган бунинг ёрқин далилидир.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА

ТАДБИРКОРНИНГ ЭЗГУ НИЯТИ

Дарҳақиқат, ёш тадбиркор бошқараётган мазкур техник хизмат кўрсатиш мажмуасини вилоятдаги энг яхши устaxonалардан бири десак, адашмаймиз. Сабаби, марказ дунёга машхур "LAUNCH TECH Co. Ltd" компаниясининг энг сўнгги русумдаги ускуналари билан жиҳозланган. Умумий

этиш, филдиракларини созлашгача бўлган таъмирлаш ишларини бажариш имкониятини бермоқда.

Айни пайтда устaxonада 12 нафар маҳаллий ёш меҳнат қилмоқда. Яқин келажақ-



да тадбиркор марказга туташ худудда автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари ва мойлаш матери-аллари билан сав-

қиймати 2 миллиард 800 миллион сўмлик ушбу лойиҳани амалга ошириш туфайли устaxonада энгил автомобилларга барча турдаги техник хизматлар кўрсатила бошланди. Бир сўз билан айтганда, замонавий русумдаги ускуналар бу ерда автомобиль двигателидаги мойни алмаштиришдан бошлаб, унинг юриш ва бошқа қисмларидаги нуқсонларни бартараф

до қилувчи мажмуани ишга туширишни ҳам режа қилган. Ана шунда 20 киши доимий иш жойига эга бўлади.

Изланувчан Ш. Абдурашидовнинг истиқболдаги режалари катта. У Германия, Япония, АҚШ ва Жанубий Корея мамлакатларида ишлаб чиқарилган энгил автомобилларга хизмат кўрсатиш марказини ҳам ташкил этиш ниятида.

Юлдузхон
ФАЗЛИДИНОВА

ЯНГИОБОД ОБОД БЎЛДИ

Ангрен шаҳри, Янгиобод қўргони худудини чиқиндилардан тозалаш бўйича экологик акция ўтказилди, дея хабар беради ЎЗА.

Экоакция

Бутунжаҳон тозалик кунини муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, вилоят ёшлар иттифоқи ҳамда "Тоза худуд" давлат унитар қорхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган акцияда 200 нафардан зиёд кўнгилчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Бутунжаҳон тозалик кунини бу – ўзимиз яшаб турган худудда тозаланиш ўрнатилган ҳолатини ифода қилади. Маз-

кур кун жаҳоннинг қатор мамлакатларида оммалашган. Фоя дастлаб 2008 йилда Эстонияда пайдо бўлиб, 50 минг кўнгилчи мамлакатни чиқиндилардан ҳоли этиш учун оммалашган. Айни пайтга келиб, шу кун 150 дан ортиқ мамлакатда кўнгилчилар бир мақсад йўлида бирлашиб, ўз худудларини тозалашди.

Акция иштирокчилари #trashtagchallenge ҳештеги остида худудни турли хил чиқиндилардан тозалашди. Экоакциянинг фаол қатнашчилари эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Хабарингиз борми?

Ўқитувчилар учун автокредит

UzAuto Motors компанияси "Ўқитувчи ва мураббийлар" кунини муносабати билан махсус акция эълон қилди.

Акция фақат умумтаълим, ўрта-махсус ва олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари учун амал қилади ҳамда Chevrolet Spark ва Lacetti автомобилларини қуйидаги шартларда муддатли тўловга харид қилиш имконини беради:

Chevrolet Spark – 70% олдиндан тўлов, муддати 6 ой;
Lacetti 3 поз – 60% олдиндан тўлов, муддати 1 йил.

Муддатли тўловга автомобиль харид қилиш учун харидор таълим муассасасининг ўқитувчиси эканини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиши лозим.

Шунингдек, автомобилни гаровга қўйиш ҳамда хатардан сугурталаш ҳам мазкур акциянинг асосий шартларидан бири саналади. Шартномаларни бир неча расмий дилерлик қорхоналаридан олиш мумкин.

Акция 2019 йилнинг 30 сентябрга қадар амал қилади.

Манба: Zed News

Ўқитувчи ва мураббийлар кунини олди

Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир, дея бежиз айтилмаган. Шундай экан, бугунги мактабларимизнинг қиёфаси, кўрку таровати ҳам шунга яраша бўлиши табиий. Дарҳақиқат, шундай бўлаётми ҳам. Вилоятимиз туман ва шаҳарларидаги умумий ўрта таълим мактабларининг кундан-кунга замонавийлик касб этиб бораётгани кишини қувонтиради, албатта.

Яқинда Бекобод шаҳрида 2 та янги мактаб ишга туширилди. Янгидан ўз фаолиятини бошлаган 18-умумтаълим мактабига вилоят ҳокими вазири Рустам Холматов келиб жамоани самимий табриклади, илғор ўқитувчиларга вилоят ҳокимлигининг совғаларини топширди. Шунингдек, шаҳар

сининг том қисми тўлиқ алмаштирилиб, замонавий қоплама ўрнатилди. Бинонинг ҳар бир блокига алоҳида кичик-кичик қозонхоналар ўрнатилди, иситиш тизими тубдан яхшиланди. Дарвоқе, ўтган йили мазкур мактаб учун 140 ўринли қўшимча ўқув биноси қуриб берилган эди.

Шаҳардаги 8-умумтаълим



400 миллион сўмлик иш бажарилди. Саъй-ҳаракатлар натижада катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишлари олиб берилди. Спорт ва фаоллар зали, ошхона янги, замонавий кўриниш касб этди.

Айтганча, бу мактаб жамоаси азалдан ташаббускор. Яқинда мазкур мактабда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослашган синф очилди. Бу синфга 26 нафар ўқувчилар танлов асосида қабул қилинди. Шаҳар ва туман мактабларидан саралаб олинган бу йигитлар эндиликда Темурбеклар мактабига кириш учун тайёрланади.

Шаҳардаги 12-мактабда олиб борилган қайта реконструкция ишлари ҳам эътиборга моликдир. Бу ерда ҳам 3 миллиард 125 миллион сўмлик реконструкция иш-

ри бекаму-кўст амалга оширилди. Саъй-ҳаракатлар натижада ўқув хоналари, йўлаклар тубдан яхшиланди. Янги ошхона, 100 ўринли фаоллар зали бунёд этилди. Эътиборлиси, барча синф хоналарига кузатув камералари ўрнатилмоқда.

– Президентимиз таъкидлаганидек, мактабни ўзгартирмай туриб, жамиятни, ҳаётини асло ўзгартириб бўлмайди, – дейди биз билан суҳбатда

шаҳар халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Муҳиддин Қўзибоев. – Мактабларимизнинг капитал реконструкциядан чиқарилиши, уларнинг замонавий қиёфа касб этаётгани кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда. Биз эндиликда Юртбошимизнинг ишончини оқлаган ҳолда бугунги кун талабига мос меҳнат қилишимиз, янгича излашлар олиб бориб, ёш авлоднинг юксак маънавиятли, билимли инсонлар қилиб тарбиялашимиз шарт.

Дарҳақиқат, шаҳар мактабларида айни дамда инновацион услубларга таянган ҳолда янгича излашлар олиб бораётган ўқитувчилар талайгина. 2-умумтаълим мактабидан Маргарита Зиганшина, Мунира Нишонава, Гулноза Бобоева, Юлдуз Рўзимова ва Шаҳринисо Қўлдошевлар, 8-мактабдан Мўғалбар Раҳмонова, Раъно Расуллова, Шоҳида Ҳасанова, Рохаткул Турсуновлар, 9-мактабдан Бишариша Нурматова, Тўйдикул Мамадуллоева, Ўлмасхон Мамадиёрова, Махфуза Ҳакимова ва Лола Тожиевалар, 12-мактабдан Муқаддас Баҳриддинова, Фарида Худоевона, Маъжуда Қодирова, Азамат Аъзамов, Қадрамон Ўғамқуловлар номини фахр билан тилга олиш мумкин.

Мухтасар айтганда, бекободлик ўқитувчилар, устоз-мураббийлар тобора яқинлашиб келатган касб байрамларини зўр кўтаринчилик, юқори кайфият билан қарши олмақдалар. Асосий эътибор таълим сифатини тубдан яхшилашга, ўқувчиларга чуқур ва мукамал билим беришга қаратилган.

Ашуррали БОЙМУРОДОВ

Вилоят бўйлаб

Ўзбекистон халқ таълими вазири Шерзод Шерматов ПИСКЕНТ туманидаги 5-умумтаълим мактабига борди.

Мактабдаги иқтидорли ўқувчилар ва уларга таълим бераётган фидойи устозлар билан самимий суҳбат қурган вазири математика фани бўйича ўқитувчиларнинг тажрибаларини ўрганди, тақлифлари билан қизиқди. Шунингдек, туман ҳокимининг Пискентда математика фанига ихтисослаштирилган мактаб ташкил этиш ҳақидаги тақлифини маъқуллади.

Тошкент давлат аграр университетининг мажлислар залида таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба ёшлар ўртасида профилактик тадбирларни кучайтириш мақсадида "Ўзбекистон – миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик юрти" мавзуида давра суҳбати ва маърифий учрашув бўлиб ўтди.

Жараёнда талабалар устозлари билан қизгин савол-жавобга киришдилар.

ОЛМАЛИҚ шаҳар ҳокими Усмон Раҳимов ҳиндистонлик инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик бўйича музокаралар ўтказди.

Музокаралар натижасига кўра, келажақда шаҳардаги собиқ сил касалликлари шифохонаси биносидан ҳиндистонлик инвесторлар томонидан кўп тармоқли марказий клиника ташкил этилиши кутилмоқда.

ОХАНГАРОН шаҳрининг "Нўғойқўрғон" маҳалласида 5 та 7 қаватли тураржой фойдаланишга топширилди.

Ушбу уйларда жами 210 та хонадон мавжуд бўлиб, қурилиш ишлари "Ўзшаҳарқурилишвест" инжиниринг компанияси буюртмаси асосида "Акобравтотранс" МЧЖ томонидан амалга оширилди. Мазкур хонадонлардан 28 тасининг қалити оғир турмуш шароитида яшовчи, ногиронлиги бўлган воғая етмаган фарзандини тарбиялаётган, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган аёлларга топширилди.

БЕКОБОД шаҳрида яшовчи Жўраевлар хонадонидан, бир йўла 4 нафар эгизак фарзанд – икки ўғил, икки қиз дунёга келди. Ўтган йили турмуш қурган Шоира Жўраева шаҳардаги фармацевтика заводидан кичик ходим, Бекзод Жўраев эса Ўзбекистон металлургия комбинатида муҳандис бўлиб ишлайди.

БЎСТОНЛИҚ тумани, "Яккатут" маҳалласида "Оилавий меҳмон уйлари" ва хостеллар ташкил этиш бўйича тушунтириш ва тарғибот ўқув семинари ўтказилди.

Семинарда иштирокчилар оилавий меҳмон уйлари ташкил этиш йўл-йўриқлари, туризм соҳасида яратилаётган имтиёзлар билан яқиндан таништирилди.

ОХАНГАРОН тумани ХТБ тасарруфидаги 5-умумтаълим мактабига жорий йилнинг июнь ойида яқка курашнинг "Aikido Combat" тури бўйича тўғрақ иш бошлаган эди.

Ўзбекистон чемпиони, Охангарон ўғлини Мухаммад Холматов мураббийлигида шуғулланаётган ёш спортчилар Окўрғон шаҳрида бўлиб ўтган вилоят чемпионатида иштирок этиб, 22 та медални қўлга киритишди.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати хабарлари асосида тайёрланди

Очиғи, ҳудуд одамларини омадли, десак ҳам бўлаверади. Боиси, сектор ҳудудидagi 15 минг 326 та хонадонда истиқомат қилаётган 57 минг 382 нафар аҳолининг хизматига шахсан ҳокимнинг ўзи шай бўлиб турибди. Боз устига, у кишини қидириб ҳокимлик биносига боришининг ҳам ҳолати йўқ. Кунда ёки кунора ҳокимнинг ўзи жойларга чиқиб туради.

Аниқ мисолларга ўтайлик. Жорий йилнинг бошидан хонадонларни ўрганиш жараёнида жами 208 та муаммо аниқланган. Улардан 202 таси 9 август кунига қадар ҳал этилган. Шахсан сектор раҳбари томонидан ҳал этилган муаммолар 184 тани ташкил этади. Муаммолар соҳалар бўйича ўрганилганда, улар асосан уй-жой олиш, уй қуриш учун ер ажратиш, газ таъминоти, банк-молия, моддий ёрдам ҳамда соғлиқни сақлаш, меҳнат, бандлик, таълим, тадбиркорлик, ободонлаштириш каби масалалардан иборат.

— Очиғи, қўлим калталигидан бир ташвишиминг минг бўлиб кўринарди, — дейди Улугбек номли маҳаллада яшовчи эҳтиёжманд фуқаро Суннат Рўзиев. — Уй-жойга муҳтожлигимизни ҳал қила олмади, қўйналиб яшардик. Яратганга шукр, мана, кўп йиллик орзуимиз биринчи сектор раҳбарининг сазй-ҳаракати билан ушалди. Тўғриси, ўз уй-жойига эга бўлиш бахти насиб этганидан жуда хурсандман. Президентимизнинг халқчил сийасати туфайли кўксимизга офтоб теғди. Ҳокимимиз икки хонали уй-жойнинг қалитини топширган лаҳзалар кўз ўнгидан сира кетмайди. Менинг ҳам ўз уйим, мўъжазгина ватаним борлигидан бахтлиман.

— Ота-боболаримиз "Ўт балосидан асрасин", дея дуо қилиши бежиз эмас экан, — дейди "Чашма" маҳалласидаги бахтсиз ҳодиса туфайли уйи ёнган фуқаро Пардавой Қамбаров. — Бундай ташвишни бошидан ўтказган айрим одамлар ҳақида эшитгандим. Аммо ўзимнинг бошимга тушганида, довдираб қолдим. Ҳокимимизга минг раҳмат, беминнат ёрдам қўлини чўздим. Нолиб бормаган бўлсак ҳам ҳокимиздан хабар олишди. Аҳолиимизни кўриб, кўнглимизни кўтаришди. 12 минг дона гишт олиб берамиз, дейишганида кўзимиздан ёш чиқиб кетди.

Юзма-юз бўлган мулоқотлар давомида ҳудуддаги 15 нафар кам таъминланган оилага сектор раҳбари томонидан жиддий эътибор қаратилди. Тумандаги банк раҳбарлари билан масалага қисқа фурсатда ихобий ечим топилди. Кимдир

чорва, айримлар томорқасида иссиқхона, асаларичилик, ҳунармандчилик билан шуғулланишини билдирган. Жами ҳисоб-китобларга кўра, уларга 81,8 млн. сўмлик 8 фойзли кре-

ни қайд қилмадик.

Иқтисодиётнинг турли тармақларида жами 368 та янги иш ўрни яратилибди. Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувват-

Энди "Янгиобод" маҳалласида ҳам бир кўр кўз ташласак. Маҳаллада "Обод қишлоқ" дастури асосида жами 8 млрд. 663 млн. сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган.

Бинобарин, автомобиль йўллари, дарахтзор ва гулзорлар ташкил этиш, кудуқларни реконструкция қилиш, чиқиндиҳоналар қуриш, кўча ёритиш ус-тунларини ўрнатиш, газ тармоқлари ҳамда яққа тартибдаги уй-жойларни таъмирлаш, аҳолининг туман марказига қатновини оsonлаштириш учун автобус хариди, ичимлик суви тармоқлари қуриш ва реконструкция қилиш ишларидаги муаммолар буткул ечимини топади. Албатта, салкам 9 млрд. катта маблағ. Юқорида

кетганда уни фақат қурилиш ишлари билан изоҳласак унчалик тўғри бўлмас. Чунки, аҳолининг турмуши фаровонлашуви ҳам ободлик саналади. Шу ҳақда гап кетганда маҳаллалардаги фаол тадбиркорлар ҳисобига экспорт режаси ўтган олти ой давомида салмоқли даражада ортган. Аниқроқ айтганда, бу кўрсаткич 3 млн. 210 минг долларни ташкил этади.

Инвестицияни ўзлаштириш масаласида тумандаги умумий натижага тўхталиб ўтганимиз ўринли бўлади. Боиси, ўз маб-лағини олиб қираётган хориж-лик тадбиркор истадими-йўқ-ми туман ҳокими билан учра-шади. Айнан ҳокимнинг дунё-қараш, бугунги кун талабини қанчалик тўғри тушуниши ин-весторнинг ишончига таъсир қилади.

Хуллас, туманда жорий йил-да 10 млн. АҚШ доллари миқ-доридаги инвестицияни тўғридан-тўғри ўзлаштириш режаси белгиланган экан. Шу кунларда туманда 13 та лойиҳа ташаббускорлари томонидан 11 млн. 610 минг АҚШ долларини тўғридан-тўғри ўзлашти-риш ишлари бирин-кетин амалга оширилмоқда. Бу иш-лар натижасида 589 та янги иш ўринлари яратилишини

«ДОНОЛАР ҲАЁТНИ КУЗАТУРЛАР ЖИМ...»

Президентимизнинг 2019 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йи-гирма саккиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб-чиқариш ва ижтимо-ий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи-ни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони билан Лискент туманидаги имконияти чекланган бола-лар учун 79-ихтисослаштирилган мактаб-интер-нати пойабзал таъмирлаш устаси Лариса Дусманбе-това "Жасорат" медали билан мукофотланди.

■ Нишондорларимиз

Дафъатан: "Оддий пойабзал таъмирловчи уста-нинг қандай хизматлари "Жасорат" медалига му-носиб кўрилибди", деган савол туғилиши табиий. Биз ҳам қаҳрамонимизни яқиндан билиш учун унинг ҳаёти билан қизиқдик.

Лариса 79-сонли мактаб-интернатга келганида 5 ёшли қизалоқ эди. У гарчанд имконияти чекланган бўлсада тийрак, ҳаракатчан ва зехни ўткирлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Йиллар ўт-гани сайин Лариса учун интернат ўз уйи, бу ерда иш-ловчилар энг яқин инсонлари бўлиб қолишди. Шу ерда ўқиди, вояга етди. Билим олиш билан бирга устозларидан ҳунар ҳам ўрганди. У ўн етти ёшида пойабзал таъмирлаш бўйича қўли гул уста бўлиб етишди. Интернат маъмурияти уни шу ерда ишга олиб қолишга қарор қилишди. Мана неча йилди-ки, Лариса интернатдаги болаларнинг оёқ кийими ва сумкаларини таъмирлаб, янгидек қилиб беради. Камтарлиги, тўғрисиқлиги, меҳрибонлиги билан болалар ва жамоадагиларнинг ҳурматини қозонган.

Хушхабар баҳона Лариса Дусманбетова билан дийдорлашдик, уни суҳбатга тортидик.

— Мустақиллик байрами арафасида устахонамга туман ҳокимининг ўзи келиб: "Сизга қўвончи хабаримиз бор. Президентимизнинг фармонида му-вофиқ "Жасорат" медали билан тақдирландингиз. Бу кўп йиллик меҳнатларингиз рағбати. Интернат тарбияланувчиларига беминнат хизмат қилиб, касб сирларини ўргатаётганингизнинг ўзи катта жасо-рат. Мукофот муборак бўлсин", деганида ҳаяжон-ланганимдан йиллаб юбордим. Ўша дақиқаларда бизнинг юртимизда инсоннинг ҳалол меҳнати қадр-ланишини англадим. Ҳаммага катта раҳмат. Биз каби имконияти чекланганларни қўллаб-қувватла-ётганлар кам бўлишмасин. Мени камтарона меҳна-тимни қадрлаб, мукофотга лойиқ кўришганидан бошим қўкка етди.

— Лариса ўз касбининг моҳир устаси, — дейди таълим маскани директори Зебо Каримова. — Доим янгиликка интилиб яшайди. Ҳозирда у таъмирлаш билан бирга болалар учун чиройли сумкалар ва оёқ кийимлар ҳам тикмоқда. Бу оддий қизнинг ҳаёт ибти қўлчилик учун орабт бўлади.

Айни дамда Ларисанинг шинам устахонаси, пойабзал тикиш машинаси, ишдан сўнг ҳордиқ чиқарадиган ўз уйи бор. Унга мактаб-интернати раҳбарияти, ҳомиёлари ва саховатли инсонлар яқин-дан кўмак бериб келишади.

— Инсонлардаги қандай фазилатларни қадрлай-сиз, — деган саволимизга Лариса шундай жавоб берди:

— Ҳаётда менинг ўз шиорим бор: ҳамиша шукр қилиб яшаш. Баъзан шундай одамларни учратиб қоламан, уларнинг ҳамма нарсаси етарли, тўрт мучаси соғ бўлса-да, доим нолишади. Арзимаган нарсаларни деб идорама идора қилиб, ўзи ва бош-қаларнинг вақтини зое кетказишади. Очиғи, улар-ни тушунамайман. Сабр-қаноат, шукр қилиб яшаган инсон албатта мақсадига етади. Шоир айтгани-дек: «Донлар ҳаётни кузатурлар жим...»

Шоира ШОМАТОВА

ҲАР БИР ИНСОН БАХТЛИ БЎЛИШГА ҲАҚЛИ

дир ажратилди. Айни вақтда шу 15 оила рўзгорига барака кир-ганидан мамнун.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Сек-тор ҳудудидида истиқомат қила-ётган 4 нафар фуқарога қора-мол, 7 та хонадонга 69 тул мева-ли дарахт кўчатлари бе-рилди.

Навбатдаги сайёр қабуллар-нинг бирида одамлардан так-лиф тушди. Арзи-ҳолдан маъ-лум бўлдики, Сўқоқ қишлоғида-ги оилавий поликлиника бино-си анча эскириб кетибди. Ну-роний отахон ва онахонлар дуоси билан бошланган яйр-ли иш тезда бажарилди. Айни вақтда бу оилавий поликлини-кани кўриб ҳавасингиз келади. Тўлиқ таъмирдан чиқарилган бино худди янгидан қурилган-га ўхшайди.

Туман ҳокими одамларни тинглаш орқали муаммоларни ҳал этишдан ташқари, ўзи би-либ иш бошлаб юбараверар экан. Масалан, "Шампан" ма-ҳалласига бординда 10 та ти-кув машинаси сотиб олиниб, 20 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланганди.

Дарвоқе, аҳолини иш билан таъминлаш масаласида макта-сан арзигулик натижалар бор. Масалан, секторда 358 та янги иш ўринлари ташкил этилиб-ди. Бор-йўғи шуми, дейишга шошилманг. Ҳали биз сектор-даги соҳалар бўйича маълумот-

лаш, "Yoshlar – kelajagimiz" ва бошқа дастурлар доирасида кредитлар бериш орқали 42 та янги иш ўрни ташкил этилган. Паркент тумани аҳоли бандли-гига кўмаклашиш маркази то-монидан иш изловчи сифати-да рўйхатга олинган фуқаролар билан шахсан ҳокимнинг ўзи шуғулланибди. Рақамларга му-рожаат қиладиган бўлсак, ай-нан сектор ҳудудидида 312 нафар, шунингдек, 15 нафар ишсиз фуқаро меҳнат бозорига талаб юкори бўлган мутахассислик-лар бўйича касбга тайёрланган. Яна сектор ҳудудидида 116 нафар фуқаронинг ҳақ тўланадиган жамоат ишларида бандлиги таъминланганди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Ҳокимнинг олиб-югуриб минг-га яқин кишини иш билан таъ-минлагани осон кечмаган. Агар шунча одам иш қидириб юра-верганида нима бўларди? Ҳаёт-да ўз ўрнини топа олмаган, маош келиб турадиган иши бўлмаган кишидан нимани ку-тиш мумкин? Ишсиз одам ру-ҳий тушунлиққа тушиб, охи-роқибат ўзини жамиятга керак-сиз, деб ўйлайди. Билиб-бил-май жиноят кўчасига кириб қолади. Бу билан келажағидан, орзу-ҳавасларидан айрилади. Фикримизни сектор ҳудудиди жиноятчилик ўтган йилга нис-батан 60 фойзга камайгани ҳам тасдиқлаб турибди.



қайд этилган ишлардан ортган-да 640 ўринли 42-сонли уму-мий ўрта таълим мактаби ҳамда 6-сонли мактабгача таълим муассасаси капитал таъмирла-нибди. Бундан ташқари, 2 та бозор инфратузилма объекта-ри негизда автомобилларга тех-ник хизмат кўрсатиш шабоҳ-часи ҳамда ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш объектини барпо этиш режа-лаштирилган.

Сектордаги маҳаллаларда олиб борилаётган ободлик қўла-ми кенг. Масалан, Сўқоқ қишлоғи "Хуррият" маҳалласи-да ўтган ойнинг 29-санасида "Кунгай" жоме масжидига та-мал тоши қўйилибди.

Очиғи, ободлик ҳақида гап

ҳисобга олсак, бу ҳам бир ободлик, яъни кўнгишлар ободлигидир.

Туман ҳокимида бирикти-рилган сектор ҳудудидидаги ишлар билан яқиндан танишар эканмиз, одамлар гам-ташви-ши билан банд бўлиш, ўз ро-ҳат-фароғатини эсидан чиқа-риш ҳамма-нинг ҳам қўлидан келавермаслигини тушундик. Сектор ҳудудидида ҳали қилина-диган ишлар кўп. Улар зами-рида одамларнинг дардида дармон бўлиш, ҳар бир ин-сонни бахтли кўришдек улуг-вор мақсадлар мужассамлиги-ни англадик.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

■ Касаба уюшмалари ҳаётидан

Ўзбекистон касаба уюш-малари Федерацияси томо-нидан мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим мак-табларида бошлангич каса-ба уюшма кўмитаси раиси сифатида фаолият кўрса-таётган ўқитувчилар ўртаси-да "Устозлар – касаба уюш-малари эъзозиди" респу-блика танлови эълон қилин-ган эди.

УСТОЗЛАР ЭЪЗОЗДА

Кўни кеча Олмалик шаҳрида мазкур танловнинг вилоят бос-қичи ўтказилди. Унда туман ва шаҳар босқичларида голиб бўлган иштирокчилар ўзаро беллашдилар.

Айтиш жоизки, мазкур танлов мактаб таълимини ривожланти-риш, устозларга ҳурмат-эҳти-ром кўрсатиш, уларнинг ижти-моий ҳимоясини кучайтириш, малакаси ва жамиятдаги нуфу-зини ошириш борасидаги иш-ларга муносиб ҳисса қўиши мақсадида ташкил этилгани билан аҳамиятлидир.

Яқиний натижаларга кўра, 1-ўринни Ангрен шаҳридаги 17-мактабнинг касаба уюшмаси раиси Худойназар Тохиров қўлга кириптиб, республика босқичига йўлланма олди. 2-ўрин Қўрай туманилик Дилфуза Илхомова, 3-ўрин эса олмаликлик Башорат Ортиқбоевага насиб қилди.

Голиб ва совриндорлар ви-лоят касаба уюшмалари бир-лашмаси кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланганди.

Ўз мухбиримиз

Ижтимоий эълон

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъ-ул ходимлари 1-moliya shakli oylilik (Таш-килотнинг молиявий ахволи тўғрисида) ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 18-санасидан кечиктирмай тижо-рат ташкилотлари (кичик корхона ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари, банклар, сугурта ташкилотларидан таш-қари) уларнинг алоҳида бўлиналари (Ўзбекистон Республикаси давлат ста-тистика кўмитаси томонидан белгилан-ган рўйхат бўйича) eStat 3.0 автомат-лаштирилган тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги юзасидан огоҳлантириб ўта-миз.

Ҳисоботлар интернет тармоғи воси-тасида, давлат статистика ҳисоботлари-ни электрон кўринишда йиғишни авто-матлаштирилган тизими eStat 3.0 орқа-ли электрон рақамли имзодан фойда-ланган ҳолда тақдим этилади. eStat 3.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаб-лон)ни Ўзбекистон Республикаси Дав-

лат статистика кўмитасининг www.stat.uz расмий веб сайтидан олишингиз мум-кин.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмаслик-да ифодаланган давлат статистика ҳисо-ботларини тақдим этиш тартибини бу-зиш, ҳисобот маълумотларини ёки ҳисо-ботларни тақдим этиш муддатларини нотўғри кўрсатиш Ўзбекистон Респу-бликаси Маъмурий жавобгарлик тўғри-сидаги кодексининг 215-моддасида бел-гиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2019 йил учун юқоридаги давлат ста-тистика ҳисоботларини тақдим этувчи субъектлар рўйхатини Давлат статисти-ка кўмитасининг расмий веб сайти www.stat.uz га кирган ҳолда у ердаги интерактив хизматлар бўлимида шакл-лар рўйхати саҳифасида корхона ва таш-килотнинг хос СТИР (ИНН) кодини тер-ган ҳолда билиб олишингиз мумкинли-гини эслатиб ўта-миз.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси

Умумтаълим муассасалари диққатига!

Умумтаълим муассасалари раҳбарла-ри ҳамда масъул ходимлари 2-ta'lim shakli iylilik (умумтаълим муассасаси-нинг 2019/2020 ўқув йили бошига) ҳисо-ботини 26 сентябрдан кечиктирмай eStat 3.0 автоматлаштирилган тизими орқали электрон рақамли имзодан фой-даланган ҳолда тақдим этишлари ло-зимлиги юзасидан огоҳлантириб ўта-миз.

Ҳисоботлар интернет тармоғи воси-тасида, давлат статистика ҳисоботла-рини электрон кўринишда йиғишни ав-томатлаштирилган тизими eStat 3.0 орқа-ли электрон рақамли имзодан фой-даланган ҳолда тақдим этилади. eStat 3.0 тизимида мавжуд давлат статисти-ка ҳисоботларининг электрон шакли (шаблон) ни Ўзбекистон Республика-си Давлат статистика кўмитасининг www.stat.uz расмий веб сайтидан оли-шингиз мумкин.

Давлат статистика кузатувини олиб

2019 йил учун юқоридаги давлат ста-тистика ҳисоботларини тақдим этувчи субъектлар рўйхатини Давлат статисти-ка кўмитасининг расмий веб сайти www.stat.uz га кирган ҳолда у ердаги интерактив хизматлар бўлимида шакл-лар рўйхати саҳифасида корхона ва ташкилотнинг хос СТИР (ИНН) кодини терган ҳолда билиб олишингиз мумкин-лигини эслатиб ўта-миз.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активла-рини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат ак-тивлари бўйича электрон онлайн очик аукци-

он (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очик аукцион савдолари-га қуйидаги давлат активлари қўйилади.

№	№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сакловчи	Объектнинг (шақланган) сотиш қиймати (сўм ва фойз кўриниши)
Ангрен шаҳри					
1	1	Алоқа бўлими (қурилиши тугалланмаган бино)	Ангрен шаҳри, Нуробод кўргони	Давлат активларини бошқариш агентлиги	2 311 818 000,00
2	2	76-сонли болалар боғчаси	Ангрен шаҳри, Нуробод кўргони	Давлат активларини бошқариш агентлиги	1 378 815 000,00
Охангарон тумани					
3	1	Автомобиль таъмирлаш устaxonаси ва саклаш айвони	Охангарон тумани, «Ёнарик» МФЙ	Давлат активларини бошқариш агентлиги	866 761 000,00

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйи-ча голиблик баённомаси им-золанган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2019 йил 28 октябр-дан бошлаб объектнинг жой-лаштирилиши кўнига қараб ҳар 10 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотлар-

ни www.e-auksion.uz сайтла-ри орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: 111503, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Қумовул ҚФЙ, Паркенттрэкт кўчаси, 15-уй.

Маълумот учун телефон: (71) 230-34-80.

E-mail: toshvil@davaktiv.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.davaktiv.uz.

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдолар-

ни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ-ларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқа-риш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активлари-ни бошқариш агентлиги Тош-кент вилояти ҳудудий бош-қармасининг (95) 534-80-10 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар бери-шингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

П.Ф. Боровский номли Тошкент шаҳар тиббиёт билим юрти томонидан 1995 йилда Қурбанова (Азаматова) Нилуфар Шавкатовна номига берилган 068684-сонли (рўйхат рақа-ми 3837) диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"ШАРҚ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.00. 1 2 3 4 5